

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти
Хорижий тил ва адабиёти кафедраси
Очиқ дарс таҳлили
БАЁННОМАСИ

Қатнашдилар: Тангриев В.А. (кафедра мудири)

Ўқитувчи: Б.Худойкулов.

Фан: Иккинчи чет тили (итальян тили)

Гуруҳ: Хорижий тил ва адабиёти, 206-гуруҳ.

Мавзу: “Uso delle preposizioni” (Предлогларнинг ишлатилиши)

Сана: 21.04.2022 йил

Дарснинг мақсади: Италиян тилидаги предлогларнинг ишлатилиш шакллари янги инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўргатиш ва талабаларда мазкур мавзу бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга эришиш.

Дарснинг бориши: Дарс итальян тилида саломлашиш ва танишиш билан бошланди. Уйга вазифани текширишда талабалар бирин – кетин ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб беришди. Янги мавзу батафсил тушинтирилди ва мавзу бўйича машқлар бажарилди. Жумладан, Kahoot дастури орқали ўтказилган бир машқда талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, берилган саволлардан қайси гуруҳ кўпроқ топиш машқини бажаришди. Ўқитувчи дарсда кўргазмали ва тарқатма материаллардан фойдаланди. Дарс давомида талабалар итальян тилидаги мавзунини янада мустақамлаш мақсадида мисоллар, топшириқлар бажардилар. Дарсда талабалар фаол иштирок этдилар. Дарс мазмунли ва самарали ўтди.

Тангриев В.А. сўзга чикди: Талабалар 4 – семестрдаги Иккинчи чет тили фанидан ўтилган мавзуларни яхши ўзлаштирганининг гувоҳи бўлди. Гуруҳ талабалари ҳамма ҳарфларни ёзишни ва талаффузини яхши ўзлаштирган, луғат бойлигини оширган. Товушларни тинглаб ёзишда беҳато ёзишга эришилди. Чунки натижаси доскада ёзган талабанинг ёзувида намоён бўлди. Шуниси қувонарлики, талабалар кўтаринки руҳда жуда фаол қатнашишди. Бу албатта педагогнинг ютуғидир.

Кафедра қарори:

1. Ўқитувчи Б. Худойкуловнинг итальян тили фанидан “Uso delle preposizioni” (Предлогларнинг ишлатилиши) мавзусидаги очиқ дарс таҳлили маъқуллансин.

2. Ўқитувчи Б. Худойкуловнинг ўтказган очиқ дарси талабга жавоб беради ва юқори даражада ташкил этилди, деб ҳисоблансин.

Кафедра мудири:

Котиба:

В.Тангриев

М.Қаюмова

